

**“ҚЎҚОН ПАХТА ТОЗАЛАШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ 2016 ЙИЛ ЯКУНИ БЎЙИЧА НАВБАТДАГИ
УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ БАЁНИ № 2**

Йиғилиш ўтказилган сана: 29 июнь 2017 йил

Йиғилиш ўтказилган вақт: соат 11-00

Йиғилиш ўтказилган жой: Қўқон шаҳри, Т.Малик кўчаси 83 уйда
жойлашган жамият мажлислар зали

Жамиятнинг овоз берувчи акциялари умумий сони- 154496 дона;

Жамиятнинг рўйхатга олинган овозлар сони -125771 дона;

Умумий йиғилиш кворуми- 81,4 %

Йиғилиш раиси: Ш.Азимов – кузатув кенгаши аъзоси.

Йиғилиш котиби: Д.Шералиев -
жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив
муносабатлар бўлими бошлиғи

КУНТАРТИБИ:

1. Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
3. Жамият ижроия органи раҳбарининг 2016 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини эшитиш.
4. Жамият кузатув кенгашининг 2016 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини эшитиш.
5. Жамият ижроия органи раҳбарини тайинлаш ва у билан меҳнат шартномасини бир йил муддатга тузиш.
6. Жамиятнинг 2016 йил якунлари бўйича аудиторлик ташкилотининг ҳулосасини тасдиқлаш.
7. Жамиятнинг 2016 йиллик ҳисоботини ва 2017 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш.
8. Жамиятнинг 2016 йил якунлари бўйича молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра тафтиш комиссияси ҳулосасини эшитиш.
9. Жамиятнинг 2015-2016 йиллар якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш.
10. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
11. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
12. Жамиятнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.
13. 2017 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича аудиторлик текширувини, шу жумладан Халқаро стандартларга мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботларнинг Халқаро аудит стандартларга мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.

14. Жамият Уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш.

15. Жамият томонидан 2017 йил 17 февралда “Бувайда туман агромониторинг маркази” МЧЖга киритилган – 60 000 480 сўм ёки 51% ва 2017 йил 17 февралда “Учкўприк туман агромониторинг маркази” МЧЖга киритилган – 79 578 870 сўм ёки 51% таъсис улушларини маъқуллаш.

16. Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимларни тасдиқлаш (Иловадаги рўйхатга асосан).

17. Жамият томонидан 2016 йил давомида амалга оширилган хомийликларни тасдиқлаш ва жамият харажатиغا олиб бориш.

18. Қонунчиликда белгиланган даъво муддати ўтган жамиятнинг дебиторлик ва кредиторлик (шу жумладан дивидендлардан) қарздорликларини ҳисобдан чиқаришни кўриб чиқиш ҳамда бухгалтерия хужжатларда тегишли ёзувларни киритиш.

19. Жамиятда 2016 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.

20. Жамият устав фондиди ошириш, қўшимча акциялар чиқариш тартиби ва шартини тасдиқлаш.

21. Қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорни тасдиқлаш

Йиғилишни, жамият кузатув кенгашининг раиси узрли сабабларга кўра йиғилишда қатнашмаётганлиги сабабли, кузатув кенгашининг аъзоси Азимов Шавкатжон Хасанбоевич кириш сўзи билан очди ҳамда йиғилиш раёсатини ва котибини сайлаш бўйича таклиф берди.

Акциядорлар томонидан очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилиш раёсатига қуйидагилар сайланди:

1. Азимов Шавкатжон Хасанбоевич – “Фарғонапахтасаноат худудий филиали” МЧЖ етакчи мутахассиси-Йиғилишда раислик қилувчи;

2. Закиров Шухрат Ниматович – жамият бош директори;

3. Шамсиддинов Ғулом Эгамович - жамият тафтиш комиссияси аъзоси.

Йиғилиш котиби этиб Д.Шералиев – жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи сайланди.

Шундан сўнг раислик қилувчи Ш.Азимов акциядорлар ҳамда йиғилиш қатнашчиларини қутлаб, йиғилиш кворуми бўйича ахборот бериш учун сўзни санок комиссияси аъзоси Б.Хусановга берди.

Санок комиссияси ахбороти:

Қимматли қағозлар Марказий Депозитарийси томонидан 2017 йил 23 июнь ҳолатига шакллантирилган “Қўқон пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорлар реестрига мувофиқ, йиғилишда овоз бериш учун 1 167 та акциядорга тегишли 154 496 дона акциялар қатнашиши мумкин. Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, умумий миқдорда 125 771 дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 15 та акциядор (унинг вакили) рўйхатдан ўтди. Бу эса умумий овоз берувчи акциядорнинг 81,4% ни ташкил этади ва йиғилиш ваколатли (кворумга эга) ҳисобланади.

Шундан сўнг кун тартибидаги масалалар муҳокамасига ўтилди.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш.Азимов сўзга чиқиб, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 66-моддасига асосан овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан санақ комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини айтди.

Шунга асосан, жамият кузатув кенгашинининг 2017 йил 20 июндаги йиғилиш қарорига кўра санақ комиссияси таркибига жамиятнинг меҳнатни ташкил этиш ва иш ҳақи ҳисоб китоб бўлими бошлиғи -Хусанов Ботир Эралиевич, стратегик ва режалаштириш ва бизнесни ривожлантириш бўлими бошлиғи— Юсупов Акмал Адхамович, ҳуқуқшунос маслаҳатчи -Мўминов Лазиз Ўрмоновичлар номзодларини киритиш таклифи берилган бўлиб, жамият акциядорларидан санақ комиссияси сони ҳамда таркибини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

**“Ёқлаганлар” – (100%) 125 771 та овоз; “Қаршилар”- йўқ;
“Бетарафлар”- йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

Уч кишидан иборат қуйидаги таркибдасанақ комиссияси тасдиқлансин:

- 1) Б.Хусанов;
- 2) А.Юсупов;
- 3) Л.Мўминов;

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш.Азимов сўзга чиқиб, йиғилиш регламентини йиғилиш қатнашчиларига ўқиб эшиттирди. Мазкур йиғилиш кун тартибида 21 та масала кўрсатилганлигини ва ҳар бир масала бўйича маърузачига - 5 (беш) дақиқадан, муҳокама учун - 5 (беш) дақиқагача вақт ажратилиши мақсадга мувофиқ эканлигини айтиб, жамият акциядорларидан акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши регламентини ушбу таклиф бўйича тасдиқлаш масаласига ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

**“Ёқлаганлар” – (100%) 125 771 та овоз; “Қаршилар”- йўқ;
“Бетарафлар”- йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

Жамият акциядорлари йиллик умумий йиғилишининг регламентитасдиқлансин.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича жамият ижроия органи раҳбари-бош директор Ш.Закиров сўзга чиқиб, 2016 йилдаги фаолияти бўйича ҳисобот берди (ҳисобот илова қилинади).

Ҳисоботда жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар, ишлаб чиқариш, молиявий-хўжалик фаолияти ва бизнес-режа бажарилиши тўғрисидаги кўрсаткичлар ҳамда ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича амалга оширилган ишлар ўз аксини топган.

Йиғилиш қатнашчилари томонидан жамият бош директорининг 2016 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботи муҳокама қилиниб, йўл қўйилган камчиликлар юзасидан бош директор Ш.Закирога тегишли топшириқлар берилди.

Йиғилишда раислик қилувчи Ш.Азимов акциядорлардан бош директорнинг 2016 йилдаги фаолиятига баҳо бериш ва унинг ҳисоботини маълумот учун қабул қилиш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

**“Ёқлаганлар” – (100%) 125 771 та овоз; “Қаршилар”- йўқ;
“Бетарафлар”- йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

Жамият ижроия органи раҳбарининг 2016 йилдаги фаолияти қониқарли деб топилсин ва ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича жамият кузатув кенгаши аъзоси Ш.Азимов сўзга чиқиб, йиғилиш қатнашчиларига кузатув кенгашининг 2016 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини ўқиб эшиттирди (ҳисобот илова қилинади).

Ҳисоботда асосан кузатув кенгаши томонидан жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар, ўтказилган йиғилишлар, йиғилишларда қабул қилинган қарорлар ўз аксини топган.

Йиғилишда раислик қилувчи Ш.Азимов акциядорлардан жамият кузатув кенгашининг 2016 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини маълумот учун қабул қилиш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

**“Ёқлаганлар” – (100%) 125 771 та овоз; “Қаршилар”- йўқ;
“Бетарафлар”- йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамият кузатув кенгашининг 2016 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботимаълумот учун қабул қилинсин.

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш.Азимов сўзга чиқиб, кузатув кенгашининг 2016 йил 08 августдаги қарори билан тайинланган ижроия органи раҳбари Закиров Шухрат Ниматовични қайта тайинлаш ва у билан меҳнат шартномасини бир йил муддатга тузиш таклифини йиғилиш иштирокчилари муҳокамасига киритди ҳамда акциядорларга кун тартибидаги мазкур масала бўйича берилган таклифга ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

**“Ёқлаганлар” – (100%) 125 771 та овоз; “Қаршилар”- йўқ;
“Бетарафлар”- йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. 2017 йил якуни бўйича ўтказиладиган жамият акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишигача бир йил муддатга “Қўқон пахта тозалаш” АЖ ижроия органи раҳбари этиб Закиров Шухрат Ниматович тайинлансин.

2. “Қўқон пахта тозалаш” кузатув кенгаши, жамият ижроия органи раҳбари Закиров Шухрат Ниматович билан белгиланган тартибда меҳнат шартномасини тузилишини таъминласин.

3. Жамият ижроия органи раҳбари Закиров Шухрат Ниматовичга ўз вазифаларини бажариш даврида барча бирламчи ва банк ҳужжатларига биринчи имзо қўйиш ҳамда жамият Уставида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлардан қонун доирасида фойдаланиш ҳуқуқи берилсин.

Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича “AUDIRES” МЧЖ аудиторлик ташкилоти аудитори У.С.Махмудов сўзга чиқиб, жамиятнинг 2016 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича 2017 йил 30 апрелдаги Миллий стандартларга мувофиқ аудиторлик текшируви хулосаси билан йиғилиш иштирокчиларини таништирди.

Бундан сўнг “ТТТ-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти аудитори С.Хожиакбаров сўзга чиқиб, жамиятнинг 2016 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича 2017 йил 24 майдаги Халқаро аудит стандартларга мувофиқ аудиторлик текшируви хулосаси билан йиғилиш иштирокчиларини таништирди.

“AUDIRES” МЧЖ ва “ТТТ-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилотларининг хулосаларида “Қўқон пахта тозалаш” АЖнинг 2016 йил 31 декабр ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини

ҳаққоний акс эттиради ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ҳамда халқаро стандартларга мувофиқ.

Йиғилишда раислик қилувчи Ш.Азимов акциядорлардан 2016 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича “AUDIRES” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2017 йил 30 апрелдаги Миллий стандартларга мувофиқ ва “ТТТ-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2017 йил 24 майдаги Халқаро аудит стандартларга мувофиқ аудиторлик текшируви хулосаларини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

**“Ёқлаганлар” – (100%) 125 771 та овоз; “Қаршилар”- йўқ;
“Бетарафлар”- йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

“AUDIRES” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2017 йил 30 апрелдаги Миллий стандартларга мувофиқ ва “ТТТ-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2017 йил 24 майдаги Халқаро аудит стандартларига мувофиқ берилган аудиторлик текшируви хулосалари тасдиқлансин.

Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича жамият молиявий масалалар бўйича директори А.Холиқовга сўз берилди ва уйиғилиш иштирокчилари эътиборига жамиятнинг 2016 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи ва 2017 йил учун мўлжалланган бизнес-режаси билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди (йиллик ҳисобот ва бизнес-режа илова қилинади).

Йиғилишда раислик қилувчи Ш.Азимов акциядорлардан жамиятнинг 2016 йиллик ҳисоботини ва 2017 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

**“Ёқлаганлар” – (100%) 125 771 та овоз; “Қаршилар”- йўқ;
“Бетарафлар”- йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамиятнинг 2016 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи тасдиқлансин.

2. Жамиятнинг 2017 йил учун мўлжалланган бизнес-режаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш.Азимов жамиятнинг Тафтиш комиссияси раиси Ғ.Шамсиддиновга сўз берди.

Ғ.Шамсиддинов жамиятнинг 2016 йил яқунлари бўйича молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунларига кўра тайёрланган тафтиш комиссияси хулосасини ўқиб эшиттирди (хулоса илова қилинади).

Йиғилишда раислик қилувчи Ш.Азимов акциядорлардан жамият тафтиш комиссиясининг хулосасини маълумот учун қабул қилишни таклиф этди ва ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

**“Ёқлаганлар” – (100%) 125 771 та овоз; “Қаршилар”- йўқ;
“Бетарафлар”- йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

Жамиятнинг 2016 йил яқунлари бўйича молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунларига кўра тузилган Тафтиш комиссиясининг хулосаси маълумот учун қабул қилинсин.

Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш.Азимов сўзни жамиятнинг бош директори Ш.Закировга берди.

Ш.Закиров йиғилиш иштирокчиларини кун тартибидаги масала бўйича ижроия органининг ва жамият кузатув кенгашининг таклифи билан таништирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида пахтасаноат тармоғининг модернизация қилиш ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича ишлар ўта қониқарсиз йўлга қўйилганлиги айтиб ўтилган ҳамда яқин вақт ичида уларни бажаришни таъминлаш бўйича тизимли чора-тадбирларни белгилаш вазифаси берилганлиги кўрсатилган. Шунга асосан жамиятнинг 2015 йил якуни бўйича 147 806сўм, 2016 йил якуни бўйича 615 433 минг сўм, 2015 ва 2016 йиллар якуни бўйича жами 763 239 минг сўмлик соф фойдасини жамиятни устав фондини оширишга йўналтириш таклиф этилмоқда. Яъни "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 18-моддасига асосан жамиятнинг устав фондини унинг ўз капитали ҳисобидан кўпайтирилишига йўналтириш.

Шу билан бирга, жамият уставига асосан жамиятнинг захира фонди жамият устав капиталининг 15 фоизи 89 млн 762минг сўм миқдорида тузилади ва бугунги кунда захира фонди 74 млн 195 минг сўм, яъни устав капиталнинг 12,4 фоизини ташкил этади. Шунингдек, жамият уставига асосан 535 дона имтиёзли акция эгасига ҳар йили бир дона акция номинал қийматининг 15 фоизи миқдорида биринчи навбатда дивиденд олиш ҳуқуқини беради.

Жамият уставига захира фондига белгиланган миқдорга етгунига қадар хар йили соф фойдадан 5 фоиз миқдорида ажратмалар ўтказилиши белгиланганлиги сабабли, жамиятнинг 2015 ва 2016 йиллар якуни бўйича соф фойдасини қуйидаги тартибда тақсимланиши бўйича акциядорлар умумий йиғилишига таклиф этилди:

- 5 фоиз- 38 161 950 сўм захира фондига;

- уставга кўра 2015-2016 йиллар учун акция номинал қийматининг 15 фоиз миқдорида (акциянинг номинал қиймати 3860 сўм * 15% = 579 сўмдан, 535 дона акцияга 309 765 сўмдан х 2 йилга) жами – 619 530 сўмни жамият томонидан чиқарилган 535 дона имтиёзли акцияларга дивиденд тўлови учун йўналтиришга;

- қолган 724 457 520 сўмни жамиятнинг устав фондиди қўшимча акцияларни чиқариш йўли билан кўпайтирилиши учун йўналтиришга. Бунда устав фондиди ошириш фақат қўшимча акциялар чиқариш орқали амалга ошириш мумкинлиги, жамият акциялар номинал қиймати 3860 сўм эканлигини эътиборга олиб капитализацияга йўналтирилаётган 724 457 520 сўмнинг 598 419 660 сўм қисми устав фондиди оширишга тўғридан тўғри йўналтирилади. Қолган 126 037 860 сўм қисми келгуси капитализацияда ҳисобга олинади.

Муҳокамадан сўнг йиғилишда раислик қилувчи Ш.Азимов акциядорлардан кун тартибидаги масала бўйича берилган таклифга ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – (100%) 125 771 та овоз; “Қаршилар”- йўқ;

“Бетарафлар”- йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамиятнинг 2015-2016 йиллар якуни бўйича олинган – 763 239 000 сўм соф фойдаси қуйидагича тақсимлансин:

- 38 161 950 сўм ёки соф фойданинг 5% захира фондига йўналтирилсин;

- 619 950 сўм (1 йил учун 1 дона имтиёзли акцияга 579 сўм) ёки соф фойданинг 0,081% жамиятнинг имтиёзли акциялари учун 2015-2016 йиллар якуни бўйича дивиденд тўловларига йўналтирилсин;

- 724 457 520 сўм ёки соф фойданинг 94,9 % қўшимча акцияларни чиқариш йўли билан жамият устав фондиди кўпайтиришга йўналтирилсин. Бунда устав фондиди ошириш фақат қўшимча акциялар чиқариш орқали амалга ошириш мумкинлиги, жамият бир дона акциясининг номинал қиймати 3860 сўм эканлигини эътиборга олиб капитализацияга йўналтирилаётган 724 457 520 сўмнинг 598 419 660 сўм қисми устав фондиди оширишга тўғридан тўғри йўналтирилсин. Қолган 126 037 860 сўм қисми келгуси капитализацияда ҳисобга олинсин.

2. Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар мазкур йиғилиш қарори қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кун ичида тўлансин.

Имтиёзли акциялар бўйича дивидендларни тўлашни бошлаш санаси: 1 июл 2017 йил.

Имтиёзли акциялар бўйича дивидендларни тўлашни тугатиш санаси: 27 август 2017 йил.

Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар белгиланган тартибда ва юқорида кўрсатилган муддатларда акциядорларнинг банкдаги ҳисоб рақамларига пул маблағларини ўтказиш йўли орқали амалга оширилсин.

Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш.Азимовсўз олди ва жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш учун жамиятнинг 79065 дона акция эгаси “Фарғонапахтасаноат” АЖ томонидан кўрсатилган номзодлар тўғрисида маълумот берди.

Унга асосан Давруков Фахриддин Умарович –“Ўзпахтасаноатэкспорт” ХК бошқарма бошлиғи, Аллаулова Мухаббат Ахмеджановна – “Ўзпахтасаноат”АЖ бош мутахассиси, Джураев Уктам Турахонович – “Ўзпахтасаноатэкспорт” ХК бош мутахассиси, Якубов Муроджон Иброхимович “Озуқа ем корхоналари” уюшмаси мутахассиси, Хакимов Шахруз Шухратович –“Ўзпахтасаноат”АЖ бош мутахассиси, Шеранов Бахром Лапасович–“Ўзпахтасаноат” АЖ бош мутахассиси, Ражабов Фазлиддин Юсупович “Ўзпахасаноат” АЖ бош ҳисобчи ўринбосари, Мамарасулов Хасан Каюмович“Ўзпахтасаноат” АЖ бошқарма бошлиғи ўринбосари, Азимов Шавкат Хасанбоевич “Фарғонапахтасаноат худудий филиали” МЧЖ етакчи мутахассиси номзодлари белгиланган тартибда кузатув кенгаши таркибига сайланиши учун кўрсатилган ва кумулятив овоз бериш бўйича бюллетенларига киритилган.

Муҳокамадан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Ш.Азимов акциядорлардан кузатув кенгашига кўрсатилган номзодларни сайлаш учун ўз муносабатларини кумулятив овоз бериш бўйичатузилган бюллетенлар орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Фарғонапахтасаноат” АЖтомонидан кўрсатилган номзодлардан:

Давруков Фахриддин Умарович:

“Ёқлаганлар” –125 771 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Аллаулова Мухаббат Ахмеджанова:

“Ёқлаганлар” – 125 771 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Джураев Уктам Турахонович:

“Ёқлаганлар” – 125 771 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Якубов Муроджон Иброхимович:

“Ёқлаганлар” – 125 771 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Хакимов Шахруз Шухратович:

“Ёқлаганлар” – 125 771 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Шеранов Бахром Лапасович:

“Ёқлаганлар” – 125 771 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Ражабов Фазлиддин Юсупович:

“Ёқлаганлар” – 125 771 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Мамарасулов Хасан Каюмович:

“Ёқлаганлар” – 125 771 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Азимов Шавкат Хасанбоевич:

“Ёқлаганлар” – 125 771 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

Жамият кузатув кенгаши аъзолигига қуйидагилар сайлансин:

1. Давруков Фахриддин Умарович–“Ўзпахтасаноатэкспорт” ХК бошқарма бошлиғи

2. Аллаулова Муҳаббат Аҳмеджановна “Ўзпахтасаноат” АЖ бош мутахассиси

3. Джураев Уктам Турахонович “Ўзпахтасаноатэкспорт” ХК бош мутахассиси

4. Якубов Муроджон Иброхимович “Озуқа ем корхоналари” уюшмаси мутахассиси

5. Ҳакимов Шаҳруз Шухратович “Ўзпахтасаноат” АЖ бош мутахассиси

6. Шеранов Баҳром Лапасович “Ўзпахтасаноат” АЖ бош мутахассиси

7. Ражабов Фазлиддин Юсупович “Ўзпахтасаноат” АЖ бош ҳисобчи ўринбосари

8. Мамарасулов Хасан Каюмович “Ўзпахтасаноат” АЖ бошқарма бошлиғи ўринбосари

9. Азимов Шавкат Хасанбоевич “Фарғонапахтасаноат ҳудудий филиали” МЧЖ етакчи мутахассиси

Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш.Азимов сўз олди ва жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш учун жамиятнинг 79065 дона акция эгаси “Фарғонапахтасаноат” АЖ томонидан кўрсатилган номзодлар тўғрисида маълумот берди.

Кучкаров Элмурод Абдумуталипович-“Ўзпахтасаноатэкспорт” ХК, етакчи инспектор тафтишчи.

Шамсиддинов Ғулом Эгамович-“Фарғонапахтасаноат ҳудудий филиали” МЧЖ, мутахассис.

Юлдашев Бобур Аҳмаджонович-“Фарғонапахтасаноат ҳудудий филиали” МЧЖ, бош ҳисоби.

Муҳокамадан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Ш. Азимов акциядорлардан тафтиш комиссиясига кўрсатилган номзодларни сайлаш учун ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

**“Ёқлаганлар” – (100%) 125 771 та овоз; “Қаршилар”- йўқ;
“Бетарафлар”- йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги ўн биринчи масала масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

Жамият тафтиш комиссияси аъзолигига қуйидагилар сайлансин:

- 1. Кучкаров Элмурод Абдумуталипович-“Ўзпахтасаноатэкспорт” ХК, етакчи инспектор тафтишчи;**
- 2. Шамсиддинов Ғулом Эгамович –“Фарғонапахтасаноат худудий филиали” МЧЖ, мутахассис;**
- 3. Юлдашев Бобур Ахмаджонович –“Фарғонапахтасаноат худудий бирлашмаси”МЧЖ, бош ҳисобчи.**

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала бўйича жамиятнинг бош директори Ш.Закиров сўзга чиқиб, замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий қилиш ва ишлаб чиқариш заруриятига кўра жамиятнинг янги ташкилий тузилмаси билан йиғилиш қатнашчиларни таништирди.

Янги ташкилий тузилма Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касбларининг классификаторига асосан ишлаб чиқилганлигини маълум қилинди.

Бундан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Ш.Азимов акциядорлардан жамиятнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

**“Ёқлаганлар” – (100%) 125 771 та овоз; “Қаршилар”- йўқ;
“Бетарафлар”- йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1.Жамиятнинг янги ташкилий тузилмаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Кун тартибидаги ўн учинчи масала бўйича жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори А.Холиқов сўзга чиқиб, жамиятда 2017 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини шу жумладан халқаро стандартларга мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботларнинг халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудиторлик текширувидан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотларидан жамиятга келиб тушган қуйидаги тижорат таклифлари билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди:

т/р	Аудиторлик ташкилотининг номи	Мурожаат санаси ва рақами	Миллийаудит стандартларга мувофиқ аудиторлик текшируви, минг сўмда	Халқаро аудит стандартларга мувофиқ аудиторлик текшируви, минг сўмда
1	“ТТТ-AUDIT” МЧЖ	05.05.2017й	10000,0	10000,0

т/р	Аудиторлик ташкилотининг номи	Мурожаат санаси ва рақами	Миллийаудит стандартларга мувофиқ аудиторлик текшируви, минг сўмда	Халқаро аудит стандартларга мувофиқ аудиторлик текшируви, минг сўмда
		№228		
2	Аудит Професионал Практик	10.05.2017 йил №268/3	10000,0	10000,0
3	“Зиё-Аудит”МЧЖ	15.05.2017 йил №02/348	12000,0	12000,0

Муҳокама давомидажамият акциядори Д.Ҳакимов жамиятга келибтушган тижорат таклифларни инobatга олган ҳолда, ташқи аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотлари орасидан малакали мутахассисларга ҳамда энг қулай нархларга эга бўлган аудиторлик ташкилотини танлаш зарурлигини билдирди.

Бундан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Ш.Азимов акциядорларидан 2017 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини шу жумладан халқаро стандартларга мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботларнинг халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувидан ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш масаласи бўйича ўз маносабатларини бюллетен орқалиовоз беришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

**“Ёқлаганлар” – (100%) 125 771 та овоз; “Қаршилар”- йўқ;
“Бетарафлар”- йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги ўн учинчимасала масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. 2017 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини:

-Миллий аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш учун “ТТТ-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти танлансин ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг миқдори - 10 000 000 сўм белгилансин;

-Халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш учун “ТТТ-AUDIT” МЧЖаудиторлик ташкилоти танлансин ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг миқдори - 10 000 000 сўмбелгилансин.

2. Жамият ижроия органи раҳбарига:

-юқорида кўрсатилган аудиторлик ташкилотлари билан белгиланган тартибда шартномаларни тузсин;

-қонунчиликда белгиланган муддатларда жамият Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва кузатув кенгашига аудиторлик текшируви натижалари бўйича ҳисобот ва хулосаларни киритсин.

Кун тартибидаги ўн тўртинчидан бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш.Азимов сўзга чиқиб, акциядорларни жамият Уставига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар билан таништирди.

Ш.Азимов томонидан жамиятнинг Уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш орқали унинг янги таҳририни тасдиқлаш, шунингдек Уставга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар муносабати билан жамиятнинг “Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”ги, “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги ва “Ижроия органи тўғрисида”ги Низомларини ҳам янги таҳрирларини тасдиқлаш таклиф этилди ҳамда ушбу ҳужжатларнинг лойиҳалари билан акциядорлар таништирилди.

Муҳокамадан сўнг, акциядорлардан мазкур масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришлари сўралди.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

**“Ёқлаганлар” – (100%) 125 771 та овоз; “Қаршилар”- йўқ;
“Бетарафлар”- йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги ўн тўртинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамият Уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири 3-иловага мувофиқта сдиқлансин.

2. Жамият Уставиянги таҳрири тасдиқланганлиги муносабати билан, жамиятнинг “Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”ги, “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги ва “Ижроия органи тўғрисида”ги Низомларининг янги таҳрирлари 4-, 5- ва 6-иловаларга мувофиқтасдиқлансин.

3. Жамият ижроия органи раҳбарига:

-қонунчиликда белгиланган муддатда ва тартибда жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставини давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

-жамиятнинг “Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”ги, “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги ва “Ижроия органи тўғрисида”ги Низомларининг янги таҳрирларини жамият фаолиятига татбиқ этиш бўйича тегишли чораларни кўрсин.

Кун тартибидаги ўн бешинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш.Азимов сўзни жамият бош директори Ш.Закировга берди.

Ш.Закиров акциядорларга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 08 февралдаги 03-12-7-сон “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан таъминотчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналар ўртасида ўзаро ҳисоб-китобларни ягона ахборот базасини шакллантириш ҳамда ҳисоб-китоб Мониторинг марказлари фаолиятини такомиллаштириш қўшимча чора тадбирлари тўғрисида”ги йиғилиш баёни ижросини таъминлаш мақсадида, жамият кузатув кенгашининг тегишли қарорлари асосида жамият томонидан 2017 йил 17 февралда “Бувайда туман агромониторинг маркази” МЧЖ устав фондига (51%) 60 00 480 сўм ва 2017

йил 17 февралда “Учкўприк туман агромониторинг маркази” МЧЖ устав фондига(51%) 79 578 870 сўм таъсис улушлари киритилганлиги тўғрисида ахборот берди.

Йиғилишда раислик қилувчи Ш.Азимов акциядорларга жамият томонидан юқорида қайд этилган сармояларни маъқуллашни ва ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришни таклиф этди.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

**“Ёқлаганлар” – (100%) 125 771 та овоз; “Қаршилар”- йўқ;
“Бетарафлар”- йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги ўн бешинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамият томонидан 2017 йил 17 февралда “Бувайда туман агромониторинг маркази” МЧЖга киритилган – 60 000 480 сўм ёки 51% ва 2017 йил 17 февралда “Учкўприк туман агромониторинг маркази” МЧЖга киритилган – 79 578 870 сўм ёки 51% таъсис улушлари маъқуллансин.

Кун тартибидаги ўн олтинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш.Азимов сўзни жамият Тафтиш комиссияси раиси Ғ.Шамсиддиновга берди.

Ғ.Шамсиддинов сўзга чиқиб, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 88-моддасига асосан жамиятнинг акциядорларнинг умумий йиғилиши аффилиланган шахс билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақлилигини айтди ва акциядорлар эътиборига жамиятнинг аффилиланган шахслари билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимлар рўйхатини ҳавола этди.

Йиғилишда раислик қилувчи Ш.Азимов акциядорларга кун тартибидаги мазкур масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришни таклиф этди.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

**“Ёқлаганлар” – (100%) 125 771 та овоз; “Қаршилар”- йўқ;
“Бетарафлар”- йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги ўн олтинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимлар рўйхати 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Кун тартибидаги ўн еттинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш.Азимов сўзни жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори А.Холиқовга берди.

А.Холиқов жамият томонидан 2016 йил давомида амалга оширилган хомийликлар тўғрисида акциядорларга ахборот берди (маълумот илова қилинади).

Муҳокамада жамият бош директор Ш.Закиров иштирок этиб, ҳар бир хомийлик мақсадли равишда Ҳукумат дастурлари асосида амалга оширилганлигини таъкидлаб, 2016 йилда 78 786,5 минг сўмлик хомийликларни рўйхатга асосан тасдиқланишини ҳамда жамият харажатиغا олиб боришга розилик берилишини йиғилиш иштирокчиларидан сўради.

Йиғилишда раислик қилувчи Ш.Азимов акциядорларга мазкур кун тартибидаги масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришни таклиф этди.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

**“Ёқлаганлар” – (100%) 125 771 та овоз; “Қаршилар”- йўқ;
“Бетарафлар”- йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги ўн еттинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамият томонидан 2016 йил давомида амалга оширилган хомийликлар рўйхати 8-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва жамият харажатиغا олиб борилсин.

Кун тартибидаги ўн саккизинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш.Азимов сўзни жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори А.Холиқовга берди.

А.Холиқов сўзга чиқиб, жамиятнинг дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлари таҳлилини ўтказувчи ишчи-гуруҳи томонидан тасдиқланган хулосасига асосан қонунчиликда белгиланган даъво муддати ўтган жамиятнинг 120 000 минг сўмлик дебиторлик қарздорликлари мавжудлиги тўғрисида маълумот берди (хулоса илова қилинади).

Муҳокамада Ш.Азимов ушбу қарздорликларни ҳисобдан чиқаришни ва бухгалтерия ҳужжатларига тегишли ёзувларни киритишни таклиф этди.

Йиғилишда раислик қилувчи Ш.Азимов акциядорларга кун тартибидаги мазкур масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришни таклиф этди.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

**“Ёқлаганлар” – (37,14%) 46706 та овоз; “Қаршилар”- (62,86%) 79065;
“Бетарафлар”- йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги ўн саккизинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамиятнинг қонунчиликда белгиланган даъво муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик (шу жумладан дивидендлардан) қарздорликларини ҳисобдан чиқариш рад этилсин.

Кун тартибидаги ўн тўққизинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш.Азимов сўзни жамият бош директори Ш.Закировга берди.

Ш.Закиров жамиятнинг 2016 йил яқунлари бўйича корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш - Қимматли қоғозлар Марказий Депозитарийси” Давлат корхонаси томонидан ўтказилганлигини маълум қилиб, ушбу ташкилотнинг 2017 йил 14 июндаги хулосани акциядорларга ўқиб эшиттирди. Хулосага асосан, жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимида бир қанча камчиликлар аниқланган ва жамият корпоратив бошқарув тизими даражаси – 61 баллга баҳоланган, яъни қониқарли деб эътироф этилган.

Бундан сўнг Ш.Азимов сўзга чиқиб, Корпоратив бошқарув кодексига асосан жамиятларда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларида аниқланган камчиликларни бартараф қилиш бўйича чоралар кўриш ижроия органи зиммасига юклатилганлигини айтиб ўтди.

Йиғилишда раислик қилувчи Ш.Азимов акциядорларга жамиятда 2016 йил яқунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш бўйича берилган хулосани маълумот бўйича қабул қилиш бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришни таклиф этди.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

**“Ёқлаганлар” – (100%) 125 771 та овоз; “Қаршилар”- йўқ;
“Бетарафлар”- йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги ўн тўққизинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамиятда 2016 йил яқунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижалари бўйича “Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси” Давлат корхонасининг хулосаси маълумот учун қабул қилинсин.

2. Жамият ижроия органи раҳбарига:

- 2016 йил яқунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли чораларни кўрсин ва икки ҳафта муддат ичида жамият кузатув кенгашига йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни киритсин;

- иш фаолиятида хато ва камчиликларига йўл қўйган раҳбар ва мутахассисларига интизомий жазо чораларини кўрсин ҳамда икки ҳафта

муддат ичида кўрилган интизомий жазо чоралари тўғрисидаги ёзма маълумотни “Фарғонапахтасаноат ҳудудий филиали” МЧЖга киритсин.

Кун тартибидаги йигирманчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш.Азимов сўзни жамият қимматли қоғозлар бўйича мутахассисига берди.

Маърузачи ўз сўзида, йиғилганларнинг хабари бор жамиятнинг ўтган умумий йиғилишларида жамиятнинг ўтган йиллардаги тақсимланмаган фойдаси 598 419 660 сўмни устав фондини оширишга йўналтирилган эди. Аммо шу кунга қадар кўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор рўйхатдан ўтказилмаган. Бундан ташқари бугунги умумий йиғилишда 2015 ва 2016 йилларда олинган соф фойдадан 724 457 520 сўм ҳам устав фондни оширишга йўналтирилди ва устав фондини ошириш учун йўналтирилган сумма жами 1 322877180 сўмни ташкил этмоқда.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 18-моддаси охириги хатбошисида “Жамиятнинг устав фондини (устав капитални) унинг ўз капитални ҳисобидан кўпайтиришда кўшимча акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айти ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади. Жамиятнинг устав фондини (устав капитални) кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, жамиятнинг устав фондини (устав капитални) кўпайтиришга йўл қўйилмайди” деб кўрсатилган.

Юқоридагиларга асосан устав фондни оширишга йўналтирилган суммани бутунлаб, ҳар бира акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимлаб олишимиз даркор ва ҳар бир акцияга 2 донадан кўшимча акция чиқарадиган бўлсак бизга 1 196 839 320 сўм маблағ керак бўлади ва бу 310 062 дона акцияни ташкил этади.

Демак, жамият томонидан номинал қиймати 3860 сўмдан бўлган 308992 дона оддий ва 1070 дона имтиёзли акциядан иборат 1 196 839 320 сўмлик кўшимча акциялар чиқарилиши амалга оширилади ҳамда устав фондини оширишга йўналтирилган суммадан қолган 126 037 860 сўм (1322877180 сўм-1196839320 сўм) миқдордаги сумма келгусида устав фондини оширишда фойдаланилади ва баланснинг тақсимланмаган фойдаси қисмида ҳисобга олинади. Кўшимча акцияларни жойлаштириш тартиби ва шартлари қуйидагича бўлади:

Кўшимча чиқариладиган акциялар ёпиқ обуна усулида, 23.06.2017 йил ҳолатига шакллантирилган (ёпилган) акциядорлар реестри асосида ҳар бир акциядорнинг унга тегишли бўлган ҳар бир дона акциясига 1:2 коэффицентда (яъни ҳар бир дона акция учун икки дона акция) тақсимлаш орқали жойлаштирилади, акциялар кўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 60 (олтмиш) иш куни давомида жойлаштирилади. Бунда, жойлаштиришни бошлаш санаси-акцияларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган сана, жойлаштиришни тугатиш санаси- чиқарилишдаги энг охириги акция

жойлашган сана, лекин акцияларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган санадан 60 (олтмиш) иш кунидан кечикмасдан амалга оширилади. Акцияларни жойлаштириш қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари бозорида фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузмасдан амалга оширилиши, қимматли қоғозларни жойлаштиришда андеррайтерлар жалб қилинмаслиги белгиланади. Акциялар учун тўловлар жамиятнинг олдинги йиллар ҳамда 2015-2016 йил якуни бўйича олинган соф фойдасининг капитализация учун ажратилган қисми жами 1.196.839.320 сўм хисобидан амалга оширилиб акциялар номинал қийматда жойлаштирилади. Қўшимча акциялар чиқарилуви амалга ошмаган деб топилган тақдирда, акциялар учун қабул қилинган тўловлар акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб тан олинган кундан бошлаб 10 (ўн) кун муддат ичида қонунчиликда белгиланган тартибда тегишли бухгалтерия ўтказмалари бериш орқали қайтарилади.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

**“Ёқлаганлар” – (100%) 125 771 та овоз; “Қаршилар”- йўқ;
“Бетарафлар”- йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги йигирманчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

- 1. Жамиятнинг ўтган йиллардаги тақсимланмаган фойдасидан ажратилган 598.419.660 сўм ҳамда 2015-2016 йилларда олинган соф фойдаси хисобидан устав фондини оширишга ажратилган 724457520 сўмнинг 598419660 сўм қисми, жами 1196839320 сўм жамият устав фондини оширишга йўналтирилсин.**
- 2. Жамиятнинг устав фондини оширишга йўналтирилган сумманинг қолган қисми 126 037 860 сўм миқдоридаги маблағ келгусида устав фондини оширишда хисобга олинсин.**
- 3. Жамият томонидан ҳар бирининг номинал қиймати 3860 сўм бўлган 308992 дона оддий хужжатсиз ҳамда 1070 дона имтиёзли хужжатсиз кўринишдаги қўшимча акциялар чиқарилуви амалга оширилсин. Бунда:**
 - Қўшимча чиқариладиган акциялар ёпиқ обуна усулида, 23.06.2017 йил холатига шакллантирилган (ёпилган) акциядорлар реестри асосида ҳар бир акциядорнинг унга тегишли бўлган ҳар бир дона акциясига 1:2 коэффицентда (яъни ҳар бир дона акция учун икки дона акция) тақсимлаш орқали жойлаштирилиши белгилансин;
 - Акциялар қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 60 (олтмиш) иш куни давомида жойлаштирилсин. Бунда: Жойлаштиришни бошлаш санаси- акцияларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган сана, жойлаштиришни тугатиш санаси- чиқарилишдаги энг охириги акция жойлашган сана, лекин акцияларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган санадан 60 (олтмиш) иш кунидан кечикмасдан амалга оширилади;
 - Акцияларни жойлаштириш қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари

- бозорида фуқаролик-хуқуқий битимлар тузмасдан амалга оширилиши, қимматли қоғозларни жойлаштиришда андеррайтерлар жалб қилинмаслиги белгилансин;
 - Акциялар учун тўловлар жамиятнинг олдинги йиллар ҳамда 2015-2016 йил якуни бўйича олинган соф фойдасининг капитализация учун ажратилган қисми жами 1.196.839.320 сўм хисобидан амалга оширилиб акциялар номинал қийматда жойлаштирилиши белгилансин;
 - Белгилан қўйилсинки қўшимча акциялар чиқарилуви амалга ошмаган деб топилган тақдирда, акциялар учун қабул қилинган тўловлар акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб тан олинган кундан бошлаб 10 (ўн) кун муддат ичида қонунчиликда белгиланган тартибда тегишли бухгалтерия ўтказмалари бериш орқали қайтарилади.
4. Капитализация хисобига чиқариладиган акциялар белгиланган тартибда жойлаштирилгандан сўнг жамиятнинг устав фонди хар бирининг номинал қиймати **3860 сўм** дан бўлган 465093 дона (шундан 463488 дона оддий хужжатсиз, 1605 дона имтиёзли хужжатсиз) кўринишдаги **1795258980 сўм** акциялардан иборат бўлиши тасдиқлансин ҳамда жамият кузатув кенгашига жамият уставига жамиятнинг устав фондиди (устав капитални) кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайитириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни хал этиш вазифаси топширилсин.

Кун тартибдаги йигирманчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш.Азимов сўзни жамият қимматли қоғозлар бўйича мутахассисига берди.

Маърузачи ўз сўзида, юқорида айтиб ўтилганидек, жамият томонидан номинал қиймати 3860 сўмдан бўлган 308992 дона оддий ва 1070 дона имтиёзли акциядан иборат 1 196 839 320 сўмлик қўшимча акциялар чиқарилиши амалга оширилаётганлиги ва қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2009 йил 30 августда 2000-рақам билан рўйхатга олинган “Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида”ги Қоидаларга асосан тайёрланганлигини айтиб, қарорни йиғилиш қатнашчиларига батафсил ўқиб эшитирди (қарор қилова қилинади).

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

**“Ёқлаганлар” – (100%) 125 771 та овоз; “Қаршилар”- йўқ;
“Бетарафлар”- йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги йигирма биринчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамиятнинг номинал қиймати 3860 сўмдан бўлган 308992 дона оддий ва 1070 дона имтиёзли хужжатсиз кўринишдаги умумий қиймати 1 196 839 320 сўмлик қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарори иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Жамиятнинг қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорини белгиланган тартиб ва муддатларда давлат рўйхатидан ўтказиш жамият ижроия органи зиммасига юклатилсин.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар эълон қилинганидан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Ш.Азимов акциядорларга уларнинг иштироки учун миннатдорчилик билдириб, йиғилишни ёпиқ деб эълон қилди.

Йиғилишда раислик қилувчи: _____ Ш.Азимов

Йиғилиш котиби: _____ Д.Шералиев

Йиғилиш баённомаси 2017 йил 08 июл куни икки нусхада тузилди.